

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ГЕМАТОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ТОЛИПОВА ЗИЁДА БОХОДИРОВА**

**ЯНГИ АМИНОКИСЛОТАЛИ ҚОН ЎРНИНИ БОСУВЧИ  
ВОСИТАНИНГ ОҚСИЛ ЭНЕРГЕТИК ЕТИШМОВЧИЛИКДАГИ  
МЕТАБОЛИК ГОМЕОСТАЗНИНГ АСОСИЙ БЎГИНЛАРИГА  
ТАЪСИРИ**

**14.00.16 – Нормал ва патологик физиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)**

**Толипова Зиёда Боходировна**

Янги аминокислотали қон ўрнини босувчи воситанинг оқсил энергетик етишмовчиликдаги метаболик гомеостазнинг асосий бўғинларига таъсири..... 3

**Толипова Зиёда Боходировна**

Влияние нового аминокислотного кровезаменителя на основные звенья метаболического гомеостаза при белково-энергетической недостаточности..... 24

**Tolipova Ziyoda Bokhodirovna**

Influence of a new amino acid blood substitute on the main parts of metabolic homeostasis in protein and energy deficiency..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 50

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИҲТИСОСЛАШТИРИЛГАН ГЕМАТОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ТОЛИПОВА ЗИЁДА БОХОДИРОВНА**

**ЯНГИ АМИНОКИСЛОТАЛИ ҚОН ЎРНИНИ БОСУВЧИ  
ВОСИТАНИНГ ОҚСИЛ ЭНЕРГЕТИК ЕТИШМОВЧИЛИКДАГИ  
МЕТАБОЛИК ГОМЕОСТАЗНИНГ АСОСИЙ БЎГИНЛАРИГА  
ТАЪСИРИ**

**14.00.16 – Нормал ва патологик физиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Tib1719 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган гематология илмий амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Каримов Ҳамид Ёқубович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Азимова Севара Баходировна</b> тиббиёт фанлари доктори, доцент <b>Алейник Владимир Алексеевич</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Бухоро давлат тиббиёт институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Форобий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академияси 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: [info@tma.uz](mailto:info@tma.uz)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Форобий кўчаси 2-уй; Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14)

Диссертация автореферати 2023 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ да куни тарқатилди.  
(2023 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.И. Шайхова**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Ш. Алимухамедов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Р.Дж.Усманов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (докторлик диссертацияси (PhD) аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда етакчи тадқиқотчиларнинг алоҳида эътибори ва қизиқиши кўпинча ўлим билан яқунланишнинг юқори фоизи билан ўрин алмашувчи, турли патологик ҳолатлардаги оксил-энергетик танқислик муаммосига қаратилган. Олинган маълумотлар асосида «...шу билан бирга, энг катта долзарбликни оксил-энергетик танқисликка олиб борувчи, метаболик гомеостазнинг асосий бўғинларининг бузилиш механизмларини текшириш эгаллайди...»<sup>1</sup>. Шу билан бирга, оксил-энергетик танқислик оқибатида юзага келувчи, организмнинг патологик ҳолати йўналтирилган даволашни зудлик билан бошлашни талаб этади. Шу билан боғлиқ ҳолда, оксил-энергетик танқисликда гомеостаз тизимидаги дисбалансни бартараф этиш учун энг истиқболли бўлиб, периксли ва эркин радикалли оксидланишдан уларнинг тузилмаларини ҳимояловчи, хужайралардаги энергетик ва пластик алмашинув, метаболик гомеостазни тикланишига қаратилган, энг самарали кўп компонентли воситаларни излаш ва ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Жаҳонда янги аминокислотали қон ўрнини босувчи воситанинг оксил энергетик етишмовчиликдаги метаболик гомеостазнинг асосий бўғинларига таъсирини баҳолаш такомиллаштириш борасида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада тажрибадаги оксил-энергетик танқисликда оксил-энергетик метаболизм, HIF-1 $\alpha$  гипоксия-индуцибел омили, липидларнинг периксли оксидланиши ва антиоксидант тизим кўрсаткичлари ҳолати ва жигар ҳамда буйраклардаги морфологик ўзгаришларни ўзига хосликларини, тажрибадаги оксил-энергетик танқисликда оксил-энергетик метаболизм, HIF-1 $\alpha$  гипоксия-индуцибел омили, липидларнинг периксли оксидланиши ва антиоксидант тизим кўрсаткичлари ҳолатига янги аминокислотали қон ўрнини босувчи аминоянтарнинг таъсирини, тажрибадаги оксил-энергетик танқисликда жигар ва буйраклардаги морфологик ўзгаришларга аминоянтарнинг таъсирини, тажрибадаги оксил-энергетик танқисликда оксил-энергетик метаболизм, HIF-1 $\alpha$  гипоксия-индуцибел омили, липидларнинг периксли оксидланиши ва антиоксидант тизим кўрсаткичлари ҳолатига, жигар ва буйраклардаги морфологик кўрсаткичларини ўзгариши асосига аминокислотали қон ўрнини босувчи аминоянтарнинг умумий кўрсатадиган таъсирини баҳолаш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли омиллар таъсирида юзага келадиган касалликларни бартараф этишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга

---

<sup>1</sup> Zhang, YX., Yang, YF., Han, P. et al. Protein-energy malnutrition worsens hospitalization outcomes of patients with pancreatic cancer undergoing open pancreaticoduodenectomy. *Updates Surg* (2022). <https://doi.org/10.1007/s13304-022-01293-7>

мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>1</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, экспериментал токсик гепатитда маҳаллий аминокислотали қон ўрнини босувчи воситанинг метоболик ўзгаришлар ва эндоген интоксикацияга таъсири доирасини баҳолашни такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида», 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сон «2022-2026 йилларда оналик ва болалиқни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилиш даражаси.** Ҳозирги вақтда жаҳондаги етакчи илмий-тадқиқот марказларида оксил-энергетик танқисликни шаклланишининг патофизиологик механизмларини ўрганишга қаратилган қатор экспериментал ва клиник тадқиқотлар ўтказилмоқда (R.N. Prasetyo et al., 2017; G. Sanson et al., 2018; M. A. E. De van der Schueren et al., 2020). Бутун организмнинг ҳужайралари ва ички органларининг функциясини бузилиши ҳисобига юзага келадиган оксил-энергетик танқислик, асосий касалликларни кечишини олғирлашиши, ҳаёт сифатини кескин пасайиши, когнетив функцияларни камайиши, ўлим кўрсаткичлари ва оғир асоратлар ҳавфини ортиши билан ассоциацияланади (E. Cereda et al., 2016; M. Crichton et al., 2018; J. Bosch-Bayard et al., 2022). Буларнинг барчаси организмда протеин танқислигини тезкор ва самарали тикловчи дори воситаларини қўллаш билан даволаш чора-тадбирларини зудлик билан ўтказишни талаб этади (R. Rathi et al. 2017; H. Keller, 2020; S. L. Mathewson, 2021). Шу билан боғлиқ ҳолда хабар қилинадик, бу катта муаммонинг ўта муҳим ҳолати

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

бўлиб, шунингдек мазкур патологик ҳолатни даволашнинг энг самарали усуллари излаш ва ишлаб чиқиш бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда клиник-экспериментал тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, уларнинг натижаларида маҳаллий олимлар томонидан сукцинат натрий (қахрабо кислота) асосида ишлаб чиқилган қатор препаратларнинг юқори самарадорлигини кўрсатади (Х.Я.Каримов ва ҳаммуаллифлар, 2018). Бундан ташқари, дезинтоксикацион, антиоксидант, ўсмага қарши, вирусга қарши, иммуномодулирловчи фаолликка эга эканлиги исботланган қатор биологик фаол моддалар ишлаб чиқилган бўлиб, улар орган ва ҳужайраларнинг бузилган фаолиятини яхшилашга қаратилгандир (Каримов Х.Я., Шевченко Л.И. ва ҳаммуал., 2017; 2018; 2022 ). Ҳозирги кунда мавжуд бўлган, оксил-энергетик танқисликнинг патогенетик моҳиятини ўрганишга бағишланган тадқиқот натижалари охиригача очиб берилмаган механизмларнинг мавжудлигини кўрсатади (А. С., Adejumo et al., 2019; Т. Ahmed et al., 2020). Бевосита буларнинг барчаси оксил-энергетик танқислик бўлган беморларга кўрсатиладиган даволаш тадбирларининг самарадорлиги ва сифатини ошириш учун метаболик гомеостазнинг асосий бўғинларини бузилишларини яхшироқ тушуниш мақсадида кўшимча равишда ҳар томонлама тадқиқотларни ўтказишни талаб этади (Н.W. Nabeta et al., 2015; J. Wamiti et al., 2017; S. Garg, 2020).

Юқоридагиларга асосланган тартибида оксил-энергетик танқислик билан оғриган беморлар орасида ўлим кўрсаткичлари ва тажоввузкор асоратларнинг ривожланиш сонини юқориликка таълуқли бўлган масалаларни очиб берилмаганлиги, тадқиқотларни ўтказиш заруриятини таъкидлайди, у эса нафақат оксил-энергетик танқислик натижасида юзага келадиган оғир бузилишлар патогенезини чуқурроқ тушунишга, балки шунингдек уларни даволаш ва олдини олишни янада самарали усуллари ишлаб чиқиш заруриятини тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № ПЗ-20170928603 «Турли касалликлардаги критик ҳолатларда гомеостазнинг метаболик коррекция қилишнинг янги кўп функционал воситаларини ишлаб чиқиш» (2018-2022 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** оксил-энергетик танқисликда (оксилли, энергетик алмашинув, HIF-1 $\alpha$  гипоксия-индуцибел омили, липидларнинг периксли оксидланиши, антиоксидант тизим) метаболик гомеостаз кўрсаткичларига аминокислотали қон ўрнини босувчи аминоянтарнинг таъсирини баҳолашни такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

тажрибадаги оксил-энергетик танқисликда оксил-энергетик метаболизм, HIF-1 $\alpha$  гипоксия-индуцибел омили, липидларнинг периксли оксидланиши ва антиоксидант тизим кўрсаткичлари ҳолати ва жигар ҳамда буйраклардаги

морфологик ўзгаришларни ўзига хосликларини баҳолаш;

тажрибадаги оксил-энергетик танқисликда оксил-энергетик метаболизм, HIF-1 $\alpha$  гипоксия-индуцибел омили, липидларнинг периксли оксидланиши ва антиоксидант тизим кўрсаткичлари ҳолатига янги аминокислотали қон ўрнини босувчи аминоянтарнинг таъсирини баҳолаш;

тажрибадаги оксил-энергетик танқисликда жигар ва буйраклардаги морфологик ўзгаришларга аминоянтарнинг таъсирини баҳолаш;

тажрибадаги оксил-энергетик танқисликда оксил-энергетик метаболизм, HIF-1 $\alpha$  гипоксия-индуцибел омили, липидларнинг периксли оксидланиши ва антиоксидант тизим кўрсаткичлари ҳолатига, жигар ва буйраклардаги морфологик кўрсаткичларини ўзгариши асосида аминокислотали қон ўрнини босувчи аминоянтарнинг умумий кўрсатадиган таъсирини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг (РИГИАТМ) виварий шароитида бўлган, тана оғирлиги 180–220 граммни ташкил этган (n=120), оқ, зотсиз каламушлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида тажриба ҳайвонларининг биологик материаллари: веноз қони (қоннинг умумий таҳлил кўрсаткичлари), қон зардоби (липидларнинг периксли оксидланиши ва антиоксидант тизим, биокимёвий кўрсаткичлари, HIF-1 $\alpha$  гипоксия-индуцибел омил, жигар ва буйрак тўқималарининг материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Янги аминокислотали қон ўрнини босувчи воситанинг оксил энергетик етишмовчиликдаги метаболик гомеостазнинг асосий бўғинларига таъсирини баҳолаш такомиллаштиришда тажриба, биокимёвий, морфологик ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қоннинг умумий таҳлили, оксил-энергетик алмашинув, липидларнинг периксли оксидланиши ва антиоксидант тизимлар, жигар ва буйраклар морфологияси кўрсаткичларининг ҳолати бўйича метаболик гомеостазнинг асосий бўғинларини комплекс баҳолаш асосида оксил-энергетик етишмасликни патофизиологик механизмлари асосланган;

тажрибадаги оксил-энергетик танқисликда оксил-энергетик алмашинув, HIF-1 $\alpha$  гипоксия-индуцибел омили, липидларнинг периксли оксидланиши ва антиоксидант тизим кўрсаткичларининг ҳолатига янги аминокислотали қон ўрнини босувчи аминоянтарнинг таъсири асосланган;

тажрибадаги оксил-энергетик танқисликда жигар ва буйракларнинг тўқима тузилмасидаги морфологик ўзгаришларга янги аминокислотали қон ўрнини босувчи аминоянтарнинг кўрсатадиган коррекцияловчи таъсири исботланган;

тажрибадаги оксил-энергетик танқисликда жигар ва буйраклар морфологияси, гомеостазнинг асосий бўғин кўрсаткичлардаги ўзгаришларни баҳолаш янги аминокислотали қон ўрнини босувчи аминоянтарнинг юқори самарасини ва уни инфузол 40 таъсирига нисбатан қиёсий натижаларнинг афзаллиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

янги маҳаллий аминокислотали қон ўрнини босувчи аминоянтарнинг юқори самарадорлиги ва уни оқсил-энергетик танқисликда қўлланилишини мақсадга мувофиқлиги баҳоланган;

оқсил-энергетик танқисликда метаболик гомеостазнинг асосий бўғинлари бузилишининг коррекциялашни инфезол 40 билан қиёслашда янги маҳаллий аминокислотали қон ўрнини босувчи аминоянтарнинг афзалликлари очиб берилган;

янги маҳаллий аминокислотали қон ўрнини босувчини қўллаш оқсил-энергетик танқислик билан кузатилувчи патологияли беморларни даволашга бўлган харажатларни камайтириш, уларни саломатлиги ва ҳаёт сифатини тезда яхшиланишига олиб келган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, бир-бирини тўлдирадиган тажриба, биокимёвий, морфологик ва статистик тадқиқот усуллари асосида янги аминокислотали қон ўрнини босувчи воситанинг оқсил-энергетик етишмовчиликдаги метаболик гомеостазнинг асосий бўғинларига таъсири баҳолашни такомиллаштиришнинг ўзига хослиги, натижаларнинг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти ЛПО/АОТ ва оқсил кўрсаткичлари, асосий гематологик кўрсаткичлардаги ўзгаришларни ўз ичига олган оқсил-энергетик етишмасликни шаклланишининг патофизиологик механизмлари, шунингдек жигар ва буйрақларнинг морфологик тузилмалари аниқланди, шунингдек янги маҳаллий аминокислотали қон ўрнини босувчи аминоянтарнинг юқори самарадорлиги, инфезол 40 нинг таъсир самараси билан қиёсланиб, унинг афзалликлари кўрсатиб берилди, у эса қон ўрнини босувчи мажмуа таркибига биоэнергетик фаолликни киритилишининг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти амалий аҳамияти шундан иборатки, экспериментал тадқиқотлар асосида оқсил-энергетик бузилишларнинг аниқланган мажмуасини коррекциялашда янги маҳаллий аминокислотали қон ўрнини босувчи аминоянтарнинг юқори даволаш самарадорлиги, бу эса ўз навбатида ушбу патология билан хасталанган беморларни ҳаёт сифатини яхшилаш ва асоратларни ривожланишини пасайтириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Республика ихтиссолаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази эксперт кенгашининг 2023 йил 5 майдаги 01-4/255-А-сон хулосасига кўра (илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Республика ихтиссолаштирилган

гематология илмий-амалий тиббиёт маркази эксперт кенгашининг 2023 йил 5 майдаги 01-4/255-А-сонли хати тақдим этилган):

қоннинг умумий таҳлили, оқсил-энергетик алмашинув, липидларнинг периксли оксидланиши ва антиоксидант тизимлар, жигар ва буйраклар морфологияси кўрсаткичларининг ҳолати бўйича метаболик гомеостазнинг асосий бўғинларини комплекс баҳолаш асосида оқсил-энергетик етишмасликни патофизиологик механизмлари асослангани Тошкент тиббиёт академиясининг олий таълим муассасалараро илмий тадқиқот лабораторияси бўйича (15.10.2021 й.; № 431) ҳамда Тошкент фарманцевтика институти токсикология кимё кафедра лабораторияси бўйича (20.11.2021 й.; № 231) буйруқ билан амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: янги аминокислотали қон ўрнини босувчи воситанинг оқсил энергетик етишмовчиликдаги метаболик гомеостазнинг асосий бўғинларига таъсири баҳолаш имконини берган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: янги аминокислотали қон ўрнини босувчи воситасидан фойдаланиш натижасида қиммат хорижий аналог дори воситалар талаб этилмаслиги ҳисобига 41 752 сўм иқтисод қилишга эришилган (хорижий дори воситаси инфезол нарҳи ўртача 234 100 сўмни, янги аминянтар қон ўрнини босувчи воситаси нарҳи 216 200 сўмни ташкил қилади). Агар 10 кунда бўлса, (шифохонада 1 кун бўлиши 110000 сўмни ташкил қилади). Хулоса: таклиф этилган даволаш тартибидан фойдаланиб, 1 нафар бемор ҳисобига қунига бюджет маблағларини 41 752 сўм иқтисод қилиш имконини берган;

тажрибадаги оқсил-энергетик танқисликда оқсил-энергетик алмашинув, HIF-1 $\alpha$  гипоксия-индуцибел омили, липидларнинг периксли оксидланиши ва антиоксидант тизим кўрсаткичларининг ҳолатига янги аминокислотали қон ўрнини босувчи аминоянтарнинг таъсири асослангани Тошкент тиббиёт академиясининг олий таълим муассасалараро илмий тадқиқот лабораторияси бўйича (15.10.2021 й.; № 431) ҳамда Тошкент фарманцевтика институти токсикология кимё кафедра лабораторияси бўйича (20.11.2021 й.; № 231) буйруқ билан амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги оқсил-энергетик етишмовчилик кузатилганда оқсил-энергетик алмашинув, HIF-1 $\alpha$  гипоксия-индуцибел омили, липидларнинг периксли оксидланиши ва антиоксидант тизим кўрсаткичларининг ҳолатига янги аминокислотали қон ўрнини босувчи аминоянтарнинг таъсирининг юқорилиги очиқ берилган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: таклиф этилган янги аминокислотали қон ўрнини босувчи аминоянтарнинг самарали таъсири натижасида қиммат хорижий дори восталар талаб этилмаслиги ҳисобига 440 миллион сўм миқдорида иқтисод қилишга эришилган. Хулоса: таклиф этилган янги аминокислотали қон ўрнини босувчи аминоянтардан фойдаланиб, 1 нафар бемор ҳисобига ойига бюджет маблағларини 1 252 560 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

тажрибадаги оқсил-энергетик танқисликда жигар ва буйракларнинг тўқима тузилмасидаги морфологик ўзгаришларга янги аминокислотали қон

Ўрнини босувчи аминоянтарнинг кўрсатадиган коррекцияловчи таъсири исботлангани Тошкент тиббиёт академиясининг олий таълим муассасалараро илмий тадқиқот лабораторияси бўйича (15.10.2021 й.; № 431) ҳамда Тошкент фарманцевтика институти токсикология кимё кафедрa лабораторияси бўйича (20.11.2021 й.; № 231) буйруқ билан амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий аҳамияти тажрибадаги оксил-энергетик танқисликда жигар ва буйракларнинг тўқима тузилмасидаги морфологик ўзгаришларга янги аминокислотали қон ўрнини босувчи аминоянтарнинг кўрсатадиган коррекцияловчи таъсири эрта ташхислаш ва самарали даволаш сифати яхшиланган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: таклиф этилган янги аминокислотали қон ўрнини босувчи аминоянтарнинг кўрсатадиган коррекцияловчи таъсири оқибатида беморларнинг шифохонада бўлиш вақтини қисқартириб, шифохонада қолиш тўлов миқдорини 1 нафар бемор учун 1 252 560 сўмга камайтирган. Хулоса: оксил-энергетик танқисликда жигар ва буйракларнинг тўқима тузилмасидаги морфологик ўзгаришларга янги аминокислотали қон ўрнини босувчи аминоянтарнинг кўрсатадиган коррекцияловчи таъсирида 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1 252 560 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

тажрибадаги оксил-энергетик танқисликда жигар ва буйраклар морфологияси, гомеостазнинг асосий бўғин кўрсаткичлардаги ўзгаришларни баҳолаш янги аминокислотали қон ўрнини босувчи аминоянтарнинг юқори самарасини ва уни инфезол 40 таъсирига нисбатан қиёсий натижаларнинг афзаллиги исботлангани Тошкент тиббиёт академиясининг олий таълим муассасалараро илмий тадқиқот лабораторияси бўйича (15.10.2021 й.; № 431) ҳамда Тошкент фарманцевтика институти токсикология кимё кафедрa лабораторияси бўйича (20.11.2021 й.; № 231) буйруқ билан амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: тажрибадаги оксил-энергетик танқисликда жигар ва буйраклар морфологияси, гомеостазнинг асосий бўғин кўрсаткичлардаги ўзгаришларни баҳолаш янги аминокислотали қон ўрнини босувчи аминоянтарнинг юқори самарасини ва уни инфузол 40 таъсирига нисбатан қиёсий натижаларнинг самараси орқали хасталикни даволаш сифати яхшиланган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: таклиф этилган янги аминокислотали қон ўрнини босувчи аминоянтарнинг юқори самарасини ва уни инфузол 40 таъсирига нисбатан қиёсий натижасида беморларнинг шифохонада бўлиш вақтини 2 кунга қисқартириб, шифохонада қолиш тўлов миқдорини 210 000 сўмга камайтирган. Хулоса: таклиф этилган янги аминокислотали қон ўрнини босувчи аминоянтардан фойдаланиш натижасида касалликни оғир шаклларига ўтиши ва асоратлар олди олиниб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1 252 560 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Оқсил-энергетик танқислик муаммоси: умумий масалалар, этиопатогенетик механизмлар, даволовчи коррекция усуллари»** деб номланган биринчи бобида нашр этилган оқсил-энергетик танқислик муаммосининг ҳолати, мойиллик омиллари ва ривожланишнинг патофизиологик механизмлари тўғрисидаги умумий маълумотлар тақдим этилган, шунингдек оқсил-энергетик танқисликни даволашнинг замонавий усуллари таҳлили келтириб ўтилган. Илмий нашрларда ўз аксини топмаган масалалар ажратиқ олинган. Ҳам даволаш, ҳам профилактиканинг мавжуд бўлган усуллари афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган. Шу билан бирга, хулосада оқсил-энергетик танқислик муаммосининг ҳал этилмаган ёки чуқур ўрганишни талаб этувчи томонларига алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертациянинг **«Тажриба материаллари ва текшириш усуллари тавсифи»** деб номланган иккинчи боби фойдаланилган материал, оқсил-энергетик танқисликнинг (ОЭТ) тажриба моделини юзага чиқариш бўйича тадқиқот босқичлари, шунингдек ўтказилган тадқиқот усуллари баён этилган. ОЭТ модели ҳайвонларда тажрибаларни ўтказиш бўйича этик кодексга мос ҳолда ҳайвонларда ўткир стрессли реакцияларни ривожланишини истисно қилиш учун уларни сақлашнинг меърий шароитларини сақлаган ҳолда тўлақонли бўлмаган, кам оқсилли парҳезга лаборатор каламушларини жойлаштириш йўли билан эришилди (CIOMS, Geneva, 1985).

Синовдаги барча ҳайвонлар (n=120) сон бўйича қуйидаги гуруҳларга тенг тақсимланди:

Биринчи (I) синов гуруҳини (n=30) ўз ичига 12% бўғдой уни, 10% қотган нон, 6% тарик, 36% сули ёрмаси, 8% сут, 10% тузли эритма, 25% балиқ уни ва 2,5% озуқавий ачитқиларолган, тўлақонли озиқланиш рационига эга бўлган интакт ҳайвонлар ташкил этди. Иккинчи (II) синовдаги назорат гуруҳини (n=30) оксил-энергетик танқисликнинг тажриба моделида бўлган ҳайвонлар ташкил этди, улар ҳайвонларни 10 кун давомида оксилсиз овқатланиш рационига сақлаш билан ҳосил қилинди, у эса ўз ичига 75% крахмала ва сахароза, 15% ўсимлик ёғи, 1% балиқ мойи, 4% витаминли аралашма ва 5% тузли эритмани олди. Учинчи (III) қиёсий назорат гуруҳини (n=30) оксил-энергетик танқисликнинг тажриба моделида бўлган ҳайвонлар ташкил этди, уларда модел юзага келтирилгандан кейин 11 суткада, 10 кун давомида тана оғирлигига нисбатан 10 мг/кг дозада аминокислотали препарат «Инфезол 40» киритилди. Тўртинчи (IV) асосий гуруҳга (n=30) оксил-энергетик танқисликнинг тажриба моделидаги ҳайвонлар киритилди, уларда тажрибада модел ҳосил қилингандан кейин 10- сутка ўтиб, қорин ичига янги маҳаллий аминокислотали қон ўрнини босувчи аминоянтар (эритма аминокислоталарни, сукцинат натрий, маннитол, сорбитол ва электролитлар) ни 10 кун давомида тана оғирлигига нисбатан 10 мл/кг миқдорда киритилди.

Лаборатор ва морфологик усулларни ўз ичига олган барча тажриба тадқиқотларини кўрсатилган препаратлар киритилгандан кейин 10 кун ўтиб ва оксил-энергетик танқислик модели ҳосил қилингандан кейин юзага чиқарилди. Тажриба каламушларининг декапитацияси енгил эфир наркози остида амалга оширилди, кейин эса морфологик текширишлар учун ҳайвонларнинг жигар ва буйрагидан тўқималар олинди, биокимёвий текширишлар учун веноз қонини олиш амалга оширилди. Ишнинг тажриба қисми “Турли касалликлардаги критик ҳолатларда гомеостазнинг метаболик коррекциясини янги кўп функционали коррекцияларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги ПЗ-20170928603 сонли илмий-тадқиқот грант лойиҳаси доирасида РИГИАТМ базасининг виварийсида бажарилди (2018-2020).

Тажриба ҳайвонларида (n=120) тажрибанинг 11- ва 21-кунларида қоннинг умумий таҳлилини умумий кўрсаткичлари (HGB, RBC, ретикулоцитлар, PLT, WBC ва ЭЧТ); оксил статуси кўрсаткичларини ўз ичига олувчи (умумий оксил, I фракция альбуминлари, глобулинлар: фракция 2,  $\alpha_1$ , фракция 3,  $\alpha_2$ , фракция 4,  $\beta$ , фракция 5,  $\gamma$  ва А/Г) қоннинг биокимёвий таҳлили; билирубин –ферментли (АЛТ, АСТ, коэффициент De Ritis, КФК, ЛДГ, умумий билирубин, бевосита ва билвосита фракции); азотли (мочевина ва креатинин); углевод-липид (глюкоза, триглицеридлар ва холестерин); энергетик алмашинув (АТФ, Na<sup>+</sup>, K<sup>+</sup>-АТФаза, Mg<sup>2+</sup>-АТФаза, Na<sup>+</sup> плазма ва K<sup>+</sup> плазма); гипоксия-индуцибел омил HIF-1 $\alpha$ , ЛПО/АОТ тизим кўрсаткичлари (умумий антиоксидант статус, МДАпл., МДАэр., диенли кетонлар, диенли конъюгатлар, каталаза эр., ГРэр., ГПОэр., СОДпл., коэффициент К), шунингдек морфологик (жигар ва буйраклар тўқимасининг тузилмаси) текширишлари ўтказилди.


Лаборатор тадқиқотлар HUMAN (Германия) фотомикроскопи ёрдамида гематологик (Mindray, Китай), биокимёвий анализаторларда «BA88A» (Mindray, Китай) ва UNICO 2800 (AQSH) спектрофотометрда ўтказилди. Жигар ва буйрак тўқималарини морфологик текшириш (Novel, Хитой) фотомикроскопи ёрдамида ўрганилди.

Статистик таҳлил Microsoft Office Excel-2018 пакети ёрдамида амалга оширилди.

Диссертациянинг «Экспериментал шароитдаги оксил-энергетик танқисликда лаборатор-морфологик кўрсаткичларнинг ўзига хосликлари» деб номланган учинчи бобида ОЭТ моделлаштирилгандан кейин тажрибанинг 11-кунида каламушлардаги лаборатор ва морфологик текшириш натижалари келтирилган.

Тадқиқотлар ОЭТли каламушларда камқонликни ривожланишини аниқлашга имкон берди, бу эса интакт гуруҳидаги аналогик кўрсаткичлар билан солиштирилганда гемоглобин даражасини 1,24 ( $102,2 \pm 1,3$  г/л;  $p < 0,05$ ) мартага, эритроцитларни 1,7 мартага ( $2,28 \pm 0,08 \times 10^{12}$ /л;  $p < 0,01$ ) ва ретикулоцитларни 1,6 мартага ( $4,12 \pm 0,36$  %;  $p < 0,01$ ) ишончли пасайиши билан боғлиқ бўлди. ОЭТда PLT, WBC ва ЭЧТ меъёрий белгилар чегарасида бўлди, бунда статистик аҳамиятли фарқларга эришмаган, I-гуруҳдаги хайвонларга нисбатан уларнинг таркибида силжишлар кузатилди.

Шу билан бирга ОЭТли каламушларнинг оксил статусида бузилишлар аниқланди, худди шундай интакт гуруҳи билан солиштирилган кўрсаткичлар орасида умумий оксил миқдорини 22,8% ( $56,1 \pm 0,7$  г/л га қарши  $72,63 \pm 0,67$  г/л) мос холдаги альбумин миқдорини 21% ( $22,7 \pm 0,3$  г/л га қарши  $28,8 \pm 0,27$  г/л) ва глобулинларни 23,7% ( $33,42 \pm 0,42$  г/л га қарши  $43,81 \pm 0,41$  г/л) камайиши қайд этилди. Бунда барча глобулинли фракциялар орасида энг юқори пасайиш 43%га 4 ( $\beta$ ) ( $8,5 \pm 0,1$  г/л га қарши  $14,9 \pm 0,13$  г/л) ва 3 фракциясига 41%га 3 ( $\alpha_2$ ) ( $4,6 \pm 0,06$  г/л га қарши  $7,79 \pm 0,07$  г/л) нисбатан қайд этилди (1-расмга қаранг).



1-расм. ОЭТли ва интакт хайвонлар гуруҳида умумий оксил ва унинг фракциялари миқдорини қиёсий таҳлили.

ОЭТли хайвонларда энергетик танқисликнинг ривожланиши энергетик статусдаги ўзгаришлар билан тасдиқланди, унда интакт гуруҳ билан солиштирилганда мос холда аденозинтрифосфатазининг ( $\text{Na}^+/\text{K}^+$ -АТФаза ва  $\text{Mg}^{2+}$ -АТФаза) транспорт шакллари фаоллиги 1,5 мартага ( $10,6 \pm 0,1$  мкмольФн/с/млга қарши  $16,2 \pm 0,15$  мкмольФн/с/мл  $p < 0,001$ ) ва 1,4 ( $19,6 \pm 0,3$  мкмольФн/с/мл га қарши  $27,1 \pm 0,3$  мкмольФн/с/мл  $p < 0,01$ ) мартага статистик ишончли пасайиши қайд этилди. Бундан ташқари, дисбаланс  $\text{K}^+$  ва  $\text{Na}^+$  ионларини ташилишида ҳам кузатилди, интактли гуруҳ билан солиштирилганда, ОЭТли хайвонларда уларнинг концентрацияси плазмада 1,3 мартага ( $4,11 \pm 0,04$  мМ га қарши  $5,33 \pm 0,12$  мМ) ва  $\text{Na}^+$  1,03 мартага ( $137,9 \pm 0,9$  га қарши  $141,4 \pm 0,3$  мМ) пасайди (1-жадвал).

ОЭТли хайвонлар гуруҳида юқорида келтирилган бузилишлардан ташқари, жигар ва буйрақларда дисфункцияни шаклланиши билан метаболик дисбалансни ривожланиши ҳам кузатилди, бу зардоб ферментлари АЛТ ни 1,42 мартага ( $18,1 \pm 0,62$  Бирлик/л дан  $25,7 \pm 0,66$  Бирлик/л гача;  $p < 0,05$ ), АСТ ни 1,54 мартага ( $11,6 \pm 0,38$  Бирлик/л дан  $17,9 \pm 0,5$  Бирлик/л гача;  $p < 0,05$ ), КФК ни деярли 1,4 мартага ( $141,8 \pm 4,08$  Бирлик/л дан  $201,5 \pm 8,7$  Бирлик/л гача;  $p < 0,05$ ) ва ЛДГни 1,35 марта ( $329,2 \pm 9,9$  Бирлик/л дан  $444,6 \pm 10,6$  Бирлик/л;  $p < 0,05$ ) гача) фаоллигини ортиши билан тасдиқланади, азот алмашинувида ҳам - мочевина миқдорини 2,2 мартага ( $4,90 \pm 0,22$  ммоль/л дан  $10,75 \pm 0,55$  ммоль/л гача;  $p < 0,001$ ) ва креатининни 1,66 мартага ( $69,54 \pm 3,46$  ммол/л дан  $115,3 \pm 4,97$  ммол/л гача  $p < 0,001$ ) ортиши, углеводлардан - глюкозани 2,2 мартага ( $4,61 \pm 0,16$  ммоль/л дан  $2,09 \pm 0,11$  ммоль/л гача;  $p < 0,001$ ) пасайиши; липидларда эса триглицеридлар миқдори 4,9 мартага ( $0,90 \pm 0,015$  ммоль/л дан  $0,22 \pm 0,04$  ммоль/л гача;  $p < 0,0001$ ) ва умумий холестеринни 1,9 марта ( $1,74 \pm 0,03$  ммоль/л дан  $0,92 \pm 0,04$  ммоль/л гача;  $p < 0,001$ ) ортиши ўз ўрнига эга бўлди).

#### 1-жадвал.

#### Тажрибада каламушлардаги оксил очлигида эритроцитларда энергетик кўрсаткичларнинг ўзгаришлари.

Кўрсаткичлар	I гр- интакт, n=30	II гр- назорат ОЭТ n=30
АТФ, шартли бирлик	$6,48 \pm 0,23$	$5,02 \pm 0,07$ *
$\text{Na}^+$ , $\text{K}^+$ -АТФаза, мкмольФн /с/мл	$16,2 \pm 0,15$	$10,6 \pm 0,1$ ****
$\text{Mg}^{2+}$ -АТФаза, мкмольФн /с/мл	$27,1 \pm 0,3$	$19,6 \pm 0,3$ **
$\text{Na}^+$ плазма, мМ	$141,4 \pm 0,3$	$137,9 \pm 0,9$ *
$\text{K}^+$ плазма, мМ	$5,33 \pm 0,12$	$4,11 \pm 0,04$ **



Изоҳ: \* -  $p_1 < 0,05$ ; \*\* -  $p_1 < 0,01$ ; \*\*\* -  $p_1 < 0,001$ ; \*\*\*\* -  $p_1 < 0,0001$  интакт хайвонларга нисбатан ишончли (I гуруҳ).

Яққол намоён бўлган гипоксик ҳолатни ОЭТда ривожланиши ОЭТли хайвонлар гуруҳи орасида HIF-1 $\alpha$  ни 1,6 мартага ( $0,07\pm 0,002$  нг/мл дан  $0,11\pm 0,004$  нг/мл,  $p<0,01$ ) статистик ишончли ортишидан гувоҳлик беради.

Экспериментал ОЭТда липидларнинг периксли оксидланишини (МДАпл. Да 1,6 ( $3,25\pm 0,07$  Нм/мг пл. га қарши  $2,02\pm 0,051$  Нм/мг пл.) ва эритроцитар МДАэр. Ни 1,7 мартага ( $1,05\pm 0,04$  Нм/мг Нб ва  $0,62\pm 0,028$  Нм/мг Нб), диенли кетонларни 1,7 мартага ( $0,27\pm 0,03$  нисбий бирликка қарши  $0,16\pm 0,009$  нисбий бирлик) ва диенли конъюгатларни 1,7 мартага ( $1,9\pm 0,10$  нисбий бирликка қарши  $1,12\pm 0,018$  нисбий бирлик) жараёнларини янада яққол фаоллашиш факти) аниқланди, у антиоксидант кўрсаткичларни (умумий антиоксидант статусини 1,84 мартага ( $1,66\pm 0,02$ , шартли бирликдан  $0,9\pm 0,03$  шартли бирликкача;  $p<0,001$ ), эритроцитар каталазалар фаоллигини 1,3 мартага пасайиши ( $45,6\pm 1,16$  Нм/мг Нб х дақиқадан  $35,7\pm 1,41$  Нм/мг Нб х дақиқагача,  $p<0,01$ ), эритроцитарли глутатионредуктазаларни (ГРэр) 1,24 мартага ( $2,59\pm 0,09$  МкМ НАДФН<sub>2</sub>/дақиқахгНб дан  $2,10\pm 0,07$  МкМ НАДФН<sub>2</sub>/дақиқахгНб гача,  $p<0,05$ ), эритроцитарли глутатионпероксидазаларни (ГПОэр) 1,2 мартага ( $0,35\pm 0,02$  шартли бирлик /дақиқахмгНб дан  $0,28\pm 0,004$  шартли бирликкача /дақиқахмгНб,  $p<0,001$ ) ва супероксиддисмутазаларни (СОДпл.) 1,46 мартага ( $2,19\pm 0,06$  шартли бирлик /мг пл дан  $1,50\pm 0,05$  шартли бирликкача/ мг пл,  $p<0,01$ ) функционал фаоллигини қарши пасайиши билан ассоциацияланиши аниқланди).

ОЭТли каламушларнинг жигар ва буйрак тўқималар тузилмасини морфологик текшириш гомеостаз бўғинларидаги бузилишлар натижасида юзага келадиган, дистрофик дисрегенератив ўзгаришлар билан намоён бўлувчи хужайра ичи тузилмаларининг ортга қайтмаслик кўринишлари билан тавсифланди (2-расм).

Шундай қилиб, ОЭТ учун охир оқибат тўқима ва органларда морфофункционал бузилишларга олиб келувчи, барча биокимёвий жараёнларда амалий жиҳатдан бузилишларни ривожланиши хосдир. Ўз навбатида буларнинг барчаси организмда оқсил-энергетик танқислигини бартараф этишга қаратилган, мос келувчи даволаш чора –тадбирларини кечиктирмасдан ўтказишни талаб этади.



А

Б

**2-расм. ОЭТда каламушлар жигарининг (А) ва буйракларининг (Б) тузилмавий ўзгаришлари.**

Диссертациянинг «Экспериментал оксил-энергетик танқисликда янги маҳаллий аминокислотали қон ўрнини босувчини қўллаш самарадорлигини қиёсий таҳлили» деб номланган тўртинчи бобида «Инфезол – 40» препарати ва Республика Гематология ихтисослаштирилган илмий амалий тиббий марказида ишлаб чиқилган янги маҳаллий аминокислотали қон ўрнини босувчи аминоянтарнинг самарадорлигини қиёсий баҳолаш натижалари ёритилган, охиригининг афзал томони бўлиб ўз таркибида энергия хосил қилувчи хужайра фаоллигини ортиши ҳисобига, антигипоксик таъсир қобилятига эга бўлгансукцинат (қахрабо кислотаси)ни мавжудлиги ҳисобланади. Ҳар икки препаратни ҳайвонларнинг тана оғирлигига нисбатан 10 мл/кг дозада 10 кун давомида III -ва IV – гуруҳ ҳайвонларига юборилди.

Периферик қондаги асосий кўрсаткичлар динамикасини баҳолашда, уларнинг мусбат динамикаси ҳайвонларнинг ҳар икки гуруҳида (III- ва IV-) аниқланди. Бироқ, шуни таъкидлаш зарурки, интакт гуруҳида аниқланган аналогик гемоглобин, эритроцитлар ва ретикулоцитларга энг яқин келган белгилар аминоянтар қўлланилгандан кейин кўринди. Демак, агар инфезол 40 препарати қўлланилгандан сўнг гемоглобин, эритроцитлар ва ретикулоцитлар даражаси интакт гуруҳидаги худди шундай кўрсаткичлар билан солиштирилганда 7% ( $p>0,05$ ); 25,2% ( $p<0,05$ ) ва 18,2% ( $p<0,05$ ) га паст бўлган бўлса, аминоянтар қўлланилгандан кейин бу кўрсаткичлар интакт гуруҳидаги худди шу кўрсаткичлардан куйидагиларга мос ҳолда паст бўлган рақамларга 2,1% ( $p>0,05$ ), 2,7% ( $p>0,05$ ) ва 3,4% ( $p>0,05$ ) эришдилар.

Худди шундай динамика оксил статусида ҳам қайд этилди, унда умумий оксил, унинг альбуминли ва глобулинли фракциялари концентрациясининг юқори даражада ўсиши ҳисобига айниқса яққол намоён бўлувчи мусбат динамикаси иаминоянтар қўлланилгандан сўнг кузатилди. Бу тўғрисида интакт гуруҳидаги худди шунга ўхшаш кўрсаткичларнинг мос ҳолдаги III – гуруҳда - 9,9% ( $p>0,05$ ), 6,2% ( $p>0,05$ ) ва 2,2% ( $p>0,05$ ), IV – гуруҳда эса - 3,7% ( $p>0,05$ ), 1,4% ( $p>0,05$ ) ва 6,9% ( $p>0,05$ ) танқислигининг сақланиб қолиши гувоҳлик беради (2-жадвал).

**2-жадвал.**

**ОЭТли интакт ва назорат гуруҳидаги каламушларнинг қон плазмасида оксил фракциялари кўрсаткичларини тавсифи, ( $M\pm m$ )**

Кўрсаткичлар	I гуруҳ - интакт, n=30	II гуруҳ – назорат, ОЭТли ҳайвонлар, n=30	III гуруҳ - ОЭТ+Инфезол 40, (n=30)	IV гуруҳ -ОЭТ + аминоянтар, (n=30)
Умумий оксил, г/л	72,63±0,67	56,1±0,7 *	65,5±0,83 <sup>#</sup>	70,0±0,74 <sup>##</sup>
Альбуминлар I фракция, г/л	28,8±0,27	22,7±0,3 *	27,02±0,34 <sup>#</sup>	29,2±0,3 <sup>##</sup>

Глобулинлар:	43,81±0,41	33,42±0,42 *	38,5±0,49*#	40,8±0,43##
2 фракция, альфа1, г/л	1,71±0,02	1,4±0,02 ****	1,7±0,02#	1,8±0,02##
3 фракция, альфа2, г/л	7,79±0,07	4,6±0,06 ****	6,4±0,08*^##	6,7±0,07##
4 фракция, бета, г/л	14,9±0,13	8,5±0,1 ****	10,6±0,13**#	11,6±0,1***
5 фракция, гамма, г/л	20,02±0,19	18,8±0,2 ****	19,8±0,2	20,7±0,22
А/Г	0,66±0,001	0,68±0,001 ****	0,70±0,00	0,71±0,00

Изох: \*- I гуруҳ кўрсаткичлари билан солиштирилганда ишончли (\*-P<0,05; \*\*-P<0,01; \*\*\*-P<0,001); #- II гуруҳ кўрсаткичлари билан солиштирилганда ишончли (#-P<0,05; ##-P<0,01; ###-P<0,001); ^- III гуруҳ кўрсаткичлари билан солиштирилганда ишончли (^-P<0,05; ^^ -P<0,01; ^^ -P<0,001).


Бундан ташқари, Аминоянтар таркибининг хусусиятлари энергетик статус ҳолатида ҳам ўз аксини топди, унда дастлабки белгиларга нисбатан солиштирилганда унинг кўрсаткичларида III –гуруҳдаги ҳайвонлар орасида даволашгача АТФ концентрациясини 1,36 мартага (p<0,05), Na<sup>+</sup>/K<sup>+</sup>-АТФазалар фаоллигини 1,34 (p<0,05) ва Mg<sup>2+</sup>-АТФазаларни 1,16 мартага (p<0,05), K<sup>+</sup> ионларини плазма концентрациясини 1,3 мартага (p<0,05) ва Na<sup>+</sup> ионларини эса 1,02 мартага (p>0,05) статистик ишончли ортиши қайд этилган бўлса, IV- гуруҳ ҳайвонларида бу кўрсаткичлар 1,6 (p<0,05), 1,6 (p<0,05), 1,4 мартага (p<0,05), 1,3 (p<0,05) ва 1,02 мартага (p>0,05) мос ҳолда ортиши қайд этилди (3-расм).

